



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 28 » aprel

№ 254

Toshkent sh.

“Зомин” туристик-рекреацион зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Зомин” туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6201-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, тоғли ҳудудларнинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, халқаро умуммавсумий курортлар, меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туризм инфратузилмаси обьектларини барпо этиш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

“Зомин” туристик-рекреацион зонаси (кейинги ўринларда – Туристик зона) чегараларининг тавсифи 1-иловага мувофиқ;

“Суффа платоси.2 400” халқаро умуммавсумий курорти ва “Ўриклисой” туризм мажмуаси чегараларининг тавсифи 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ;

“Зомин” туристик-рекреацион зонасини ривожлантириш концепцияси 3-иловага мувофиқ;

“Зомин” туристик-рекреацион зонасини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш ҳамда ҳудудда туризм соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 4-иловага мувофиқ;

“Зомин” туристик-рекреацион зонаси ва унга қадар бўлган ҳудудда йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Куйидагилар Туристик зонанинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

Туристик зонада замонавий туризм инфратузилмаси объектлари (мехмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар)ни, туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаган ҳолда **махсус функционал ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш** учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестицияларини жалб қилиш;

худуднинг экомуҳити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос туристик йўналишларни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг арzonлигини таъминлаш, ҳудудда транспорт ҳаракатининг янги (автобус, микроавтобус, фуникулёр ва бошқалар), шу жумладан муқобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи турларини жорий этиш, йўловчи транспорти йўналишларини кенгайтириш, унинг тўхтовсиз ҳаракатини ташкил этиш, тегишли транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

туристлар хавфсизлигининг қўшимча шароитларини, шу жумладан **туристик инфратузилма объектларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, огоҳлантириш тизимларини ташкил этиш**, ҳудудга келувчи туристлар ҳақида ягона маълумотлар базасини, фавқулодда ҳолатларда тез ёрдам бериш тизимини жорий этиш йўли билан яратиш;

Туристик зона ҳудудида лойиҳаларни амалга ошираётган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторлар (шу жумладан, хорижий инвесторлар) учун белгиланган алоҳида божхона ва солиқ режимларини таъминлаш;

энергиянинг муқобил ва қайта тикланувчи манбаларини қўллаган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш;

ҳудудда ноёб табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг генетик фондини сақлаш, дарахтларни нобуд бўлишига йўл кўймаслик, ўрмонзорлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шунингдек, фаолиятнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини олдини олиш ва минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. “Зомин” туристик–рекреацион зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Дирекция) ташкил этилсин ва унинг Устави 6-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Туризм ва спорт вазирлиги Дирекция фаолиятини молиялаштириш, шу жумладан унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жойлаштириш, асосий воситалар, анжомлар, транспортлар билан таъминлаш учун Тоғли ва олис ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ҳисобидан зарур маблағларни ажратсан.

5. Белгилаб қўйилсинки:

“Суффа платоси. 2 400” халқаро умуммавсумий курорти ва “Ўриклисой” туризм мажмуасининг инфратузилмасининг қурилишини молиялаштириш харажатлари белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳани техник-иктисодий асослаш асосида амалга оширилади;

Дирекция “Суффа платоси. 2 400” халқаро умуммавсумий курорти ва “Ўриклисой” туризм мажмуаси ҳудудида йўл, муҳандислик-коммуникация ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш ва қуриш лойиҳаларини амалга оширишда буюртмачи бўлиши;

истисно тариқасида, “Зомин” туристик-рекреацион зонаси маъмурий кенгашининг қарорига мувофиқ Туристик зона ҳудудидаги ер участкалари алоҳида тартибда реализация қилиниши мумкин.

6. Куйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 августдаги “Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6053-сон Фармонининг 3-бандига асосан Жамғармага ажратилиши белгиланган маблағлар ҳисобидан Туристик зона инфратузилмасини, шу жумладан муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш билан боғлиқ харажатларни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон Фармонининг 11-бандига мувофиқ ажратилиши белгиланган 200 млн доллар микдоридаги кредит линияси ҳисобидан Туристик зона ҳудудида замонавий туристик инфратузилма обьектларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга рухсат берилсин.

7. Дирекция Жиззах вилояти, Зомин тумани, Мустақиллиқ кўчаси, 2-й манзилига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Куйидагилар:

а) халқаро консультантлар томонидан Туристик зонанинг мастер-режаси ишлаб чиқилганлиги ва ушбу мастер-режада **250 миллион АҚШ долларигача** бўлган инвестицияларни, шу жумладан туризм (жойлаштириш воситалари, дор йўллари, ресторонлар, савдо шоҳобчалари ва бошқа туризм инфратузилмаси обьектлари), йўл-транспорт ва коммунал инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган маблағларини жалб қилиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

б) Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги Туристик зона ҳудудида:

2022 йил якунига қадар “Ўзмиллийбанк” акциядорлик жамияти билан биргаликда узунлиги 2 640 метр бўлган замонавий дор йўлини қуриш;

Ички ишлар вазирлиги, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар Туристик зона ҳудудига кириш нуқтасида хизмат кўрсатиш пункти ва замонавий автотураргоҳ ташкил этиш чораларини кўрсинг.

9. “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки ва “Асака” акциядорлик тижорат банки томонидан 2022 йил якунига қадар тадбиркорлик ва ишбилармонлик тадбирларини (MICE туризм) ўтказишга мўлжалланган конгресс-холлни ўз ичига олган иккита халқаро даражадаги 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналар қуриш учун салоҳиятли инвесторларни жалб қилиниши маълумот учун қабул қилинсин.

10. Белгилансинки:

Туристик зона ҳудудига кириш нуқтасидаги хизмат кўрсатиш пункти ва замонавий автотураргоҳни ташкил этиш лойиҳалари Жамғарма маблағлари хисобидан амалга оширилади;

хизмат кўрсатиш пункти ва автотураргоҳ фаолиятидан келиб тушадиган маблағларнинг 100 фоизи Дирекция маҳсус ҳисобварагига йўналтирилади ва биринчи навбатда лойиҳаларни амалга ошириш учун Жамғарма томонидан ажратилган маблағлар қоплаб берилади.

11. Туризм ва спорт вазирлиги икки ой мuddатда Туристик зонада амалга ошириш ва жойлаштириш учун лойиҳаларни танлаш мезонлари бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “28” апрелдаги 254-сон қарорига
1-илова

“Зомин” туристик-рекреацион зонаси чегараларининг ТАВСИФИ

Чегара чизигининг бошланғич нуқтаси №1 ($39^{\circ}37'37.63''\text{C}$ $68^{\circ}27'58.79''\text{B}$) 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлиниң бир қисмида жойлашган.

1 нуқтасидан чегара чизиги жанубий-ғарбий йўналишда 549 метр масофада 2 нуқтасига қадар чўзилган.

2 нуқтадан ($39^{\circ}37'29.78''\text{C}$ $68^{\circ}27'41.08''\text{B}$) чегара чизиги ғарбий-шимолий-ғарбий йўналишда 1137 метр масофада 3 нуқтасига қадар чўзилган.

3 нуқтадан ($39^{\circ}37'46.47''\text{C}$ $68^{\circ}26'58.43''\text{B}$) чегара чизиги ғарбий йўналишда 2360 метр масофада жойлашган бўлиб, унда 4 нуқтасига қадар чўзилган.

4 нуқтадан ($39^{\circ}37'48.13''\text{C}$ $68^{\circ}25'19.74''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 325 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 5 нуқтасига қадар чўзилган.

5 нуқтадан ($39^{\circ}37'54.41''\text{C}$ $68^{\circ}25'7.90''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 542 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 6 нуқтасига қадар чўзилган.

6 нуқтадан ($39^{\circ}38'6.85''\text{C}$ $68^{\circ}24'51.11''\text{B}$) чегара чизиги ғарбий йўналишда тоғнинг жарликлари бўйлаб 215 метр масофада 7 нуқтасига қадар чўзилган.

7 нуқтадан ($39^{\circ}38'7.10''\text{C}$ $68^{\circ}24'42.77''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-ғарбий йўналиш бўйлаб 673 метр масофада 8 нуқтасига қадар чўзилган.

8 нуқтадан ($39^{\circ}37'45.76''\text{C}$ $68^{\circ}24'35.32''\text{B}$) чегара чизиги ғарбий йўналишда 179 метр масофада 9 нуқтасига қадар чўзилган.

9 нуқтадан ($39^{\circ}37'44.91''\text{C}$ $68^{\circ}24'27.72''\text{B}$) чегара чизиги жанубий йўналишда 1181 метр масофада 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлига туташган 10 нуқтасига қадар чўзилган.

10 нуқтадан ($39^{\circ}37'8.91''\text{C}$ $68^{\circ}24'12.60''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 162 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлиниң ўнг томони бўйлаб 11 нуқтасига қадар чўзилган.

11 нуқтадан ($39^{\circ}37'5.30''\text{C}$ $68^{\circ}24'18.81''\text{B}$) чегара чизиги жанубий йўналишда 233 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлиниң ўнг томони бўйлаб 12 нуқтасига қадар чўзилган.

12 нуқтадан ($39^{\circ}36'58.07''\text{C}$ $68^{\circ}24'15.04''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 637 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлиниң ўнг томони бўйлаб 13 нуқтасига қадар чўзилган.

13 нуқтадан ($39^{\circ}36'43.34''\text{C}$ $68^{\circ}24'33.77''\text{B}$) чегара чизиги шарқий йўналишда 1154 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг ўнг томони бўйлаб 14 нуқтасига қадар чўзилган.

14 нуқтадан ($39^{\circ}36'37.84''\text{C}$ $68^{\circ}25'21.64''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-шарқий йўналишда 545 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг ўнг томони бўйлаб 15 нуқтасига қадар чўзилган.

15 нуқтадан ($39^{\circ}36'49.49''\text{C}$ $68^{\circ}25'38.57''\text{B}$) чегара чизиги шарқий йўналишда 300 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг ўнг томони бўйлаб 16 нуқтасига қадар чўзилган.

16 нуқтадан ($39^{\circ}36'49.57''\text{C}$ $68^{\circ}25'51.43''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 386 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг ўнг томони бўйлаб 17 нуқтасига қадар чўзилган.

17 нуқтадан ($39^{\circ}36'44.62''\text{C}$ $68^{\circ}26'6.03''\text{B}$) чегара чизиги жанубий йўналишда 177 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг ўнг томони бўйлаб 18 нуқтасига қадар чўзилган.

18 нуқтадан ($39^{\circ}36'38.93''\text{C}$ $68^{\circ}26'5.90''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 146 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг ўнг томони бўйлаб 19 нуқтасига қадар чўзилган.

19 нуқтадан ($39^{\circ}36'37.14''\text{C}$ $68^{\circ}26'11.68''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 493 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг ўнг томони бўйлаб 20 нуқтасига қадар чўзилган.

20 нуқтадан ($39^{\circ}36'36.00''\text{C}$ $68^{\circ}26'32.40''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 184 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг ўнг томони бўйлаб 21 нуқтасига қадар чўзилган.

21 нуқтадан ($39^{\circ}36'31.08''\text{C}$ $68^{\circ}26'36.71''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 371 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг ўнг томони бўйлаб 22 нуқтасига қадар чўзилган.

22 нуқтадан ($39^{\circ}36'28.20''\text{C}$ $68^{\circ}26'51.92''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 2015 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 23 нуқтасига қадар чўзилган.

23 нуқтадан ($39^{\circ}35'39.40''\text{C}$ $68^{\circ}27'47.53''\text{B}$) чегара чизиги шарқий йўналишда 428 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 24 нуқтасига қадар чўзилган.

24 нуқтадан ($39^{\circ}35'39.91''\text{C}$ $68^{\circ}28'5.44''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 723 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 25 нуқтасига қадар чўзилган.

25 нуқтадан ($39^{\circ}35'27.46''$ $68^{\circ}28'31.24''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-шарқий йўналишда 622 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 26 нуқтасига қадар чўзилган.

26 нүктадан ($39^{\circ}35'43.38''\text{C}$ $68^{\circ}28'46.91''\text{B}$) чегара чизиги шимолий йўналишда 238 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 27 нүқтасига қадар чўзилган.

27 нүктадан ($39^{\circ}35'51.35''\text{C}$ $68^{\circ}28'43.83''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-шарқий йўналишда 176 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 28 нүқтасига қадар чўзилган.

28 нүктадан ($39^{\circ}35'55.65''\text{C}$ $68^{\circ}28'48.74''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 151 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 29 нүқтасига қадар чўзилган.

29 нүктадан ($39^{\circ}35'57.89''\text{C}$ $68^{\circ}28'42.79''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-шарқий йўналишда 1209 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 30 нүқтасига қадар чўзилган.

30 нүктадан ($39^{\circ}36'16.26''\text{C}$ $68^{\circ}29'26.39''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-шарқий йўналишда 383 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 31 нүқтасига қадар чўзилган.

31 нүктадан ($39^{\circ}36'19.28''\text{C}$ $68^{\circ}29'41.80''\text{B}$) чегара чизиги шимолий йўналишда 602 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 32 нүқтасига қадар чўзилган.

32 нүктадан ($39^{\circ}36'38.49''\text{C}$ $68^{\circ}29'43.68''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 1155 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 33 нүқтасига қадар чўзилган.

33 нүктадан ($39^{\circ}37'1.94''\text{C}$ $68^{\circ}29'6.34''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-ғарбий йўналишда 442 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 34 нүқтасига қадар чўзилган.

34 нүктадан ($39^{\circ}36'55.97''\text{C}$ $68^{\circ}28'49.66''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-шарқий йўналишда 575 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 35 нүқтасига қадар чўзилган.

35 нүктадан ($39^{\circ}37'13.14''\text{C}$ $68^{\circ}28'58.03''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-шарқий йўналишда 407 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 36 нүқтасига қадар чўзилган.

36 нүктадан ($39^{\circ}37'17.89''\text{C}$ $68^{\circ}29'13.96''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-шарқий йўналишда 274 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 37 нүқтасига қадар чўзилган.

37 нүктадан ($39^{\circ}37'25.62''\text{C}$ $68^{\circ}29'19.88''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 334 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 38 нүқтасига қадар чўзилган.

38 нүктадан ($39^{\circ}37'35.03''\text{C}$ $68^{\circ}29'13.33''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 876 метр масофада, тоғларнинг ёнбағири бўйлаб 39 нүқтасига қадар чўзилган.

39 нуқтадан ($39^{\circ}37'47.32''\text{C}$ $68^{\circ}28'40.76''\text{B}$) чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 507 метр масофада, тоғларнинг ёнбагири бўйлаб 40 нуқтасига қадар чўзилган.

40 нуқтадан ($39^{\circ}38'2.65''\text{C}$ $68^{\circ}28'31.92''\text{B}$) чегара чизиги ғарбий йўналишда 1014 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг чап томонига 41 нуқтасига қадар чўзилган.

41 нуқтадан ($39^{\circ}38'3.22''\text{C}$ $68^{\circ}27'49.76''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-ғарбий йўналишда 176 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг чап томони бўйлаб 42 нуқтасига қадар чўзилган.

42 нуқтадан ($39^{\circ}38'0.03''\text{C}$ $68^{\circ}27'43.56''\text{B}$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 424 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг чап томони бўйлаб 43 нуқтасига қадар чўзилган.

43 нуқтадан ($39^{\circ}37'50.42''\text{C}$ $68^{\circ}27'56.91''\text{B}$) чегара чизиги жанубий йўналишда 391 метр 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг чап томони бўйлаб 1 нуқтасига қадар чўзилган.

Тавсифга киритилган худуднинг умумий майдони 2 000,0 гектарни ташкил қиласди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “28” апрелдаги254-сон қарорига
2-илова

**“Суффа платоси.2400” ҳалқаро умуммавсумий
курорти чегараларининг
ТАВСИФИ**

Чегара чизигининг бошланғич нуқтаси № 1 ($39^{\circ}37'37.63''$ "68°27'58.79" В) 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлиниң бир қисмида жойлашган.

1 нуқтасидан чегара чизиги жанубий-ғарбий йўналишда 549 метр масофада 2 нуқтасига қадар чўзилган.

2 нуқтадан ($39^{\circ}37'29.78''$ С $68^{\circ}27'41.08''$ С) чегара чизиги ғарбий-шимолий-ғарбий йўналишда, 1200 метр масофада, РТ-70 обсерваторияси қурилиши учун 3 метр масофада жойлашган.

3 нуқтадан ($39^{\circ}37'46.47''$ С $68^{\circ}26'58.43''$ С) чегара чизиги ғарбий йўналишда 489 метр масофада жойлашган бўлиб, унда РТ-70 обсерваториясининг охирги қурилиши 4 нуқтасида амалга оширилади.

4 нуқтадан ($39^{\circ}37'47.23''$ С $68^{\circ}26'38.04''$ С) чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 2238 метр масофада, тоғларнинг ёнбағирлигига 5 нуқтасига тўғри келади.

5 нуқтадан ($39^{\circ}37'54.41''$ S $68^{\circ}25'7.90''$ В) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 2178 метр масофада, тоғ қирғоғидаги 6 нуқтасига тўғри келади.

6 нуқтадан ($39^{\circ}37'14.55''$ С $68^{\circ}26'14.82''$ В) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда тоғнинг жарликлари бўйлаб 1365 метр масофада 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлиниң 7 нуқтасига тўғри келади.

7 нуқтадан ($39^{\circ}36'48.16''$ С $68^{\circ}26'59.70''$ В) чегара чизиги шимолий-шарқий йўналишда 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўли бўйлаб 40 метр масофада 8 нуқтасига тўғри келади.

8 нуқтадан ($39^{\circ}36'33.01''$ С $68^{\circ}27'25.22''$ В) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 1705 метр масофада текисликда ва тоғ худудларида 9 нуқтасига тўғри келади.

9 нуқтадан ($39^{\circ}36'25.85''$ С $68^{\circ}28'31.99''$ В) чегара чизиги шимолий-ғарбий-шимолий йўналишда 859 метр масофада текисликда ва тоғ худудларида 10 нуқтасига тўғри келади.

10 нуқтадан ($39^{\circ}36'47.53''$ 68°28'31.28" В) чегара чизиги шимолий-шарқий-шимолий йўналишда 1379 метрли қияликлар бўйлаб 11 нуқтасига тўғри келади.

11 нуқтадан ($39^{\circ}37'29.66''$ С $68^{\circ}28'33.42''$ С) чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 791 метрлик масофани 12 нуқтасига олиб боради.

12 нуқтадан ($39^{\circ}37'41.44''\text{С}$ $68^{\circ}28'4.96''\text{В}$) чегара чизиги ғарбий йўналишда 159 метр масофада “Даштобод ш.-Зомин ш.-Ғаллаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг 13 нуқтасига тўғри келади.

Тавсифга киритилган худуднинг умумий майдони 700,0 гектарни ташкил қиласиди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “28” апрелдаги254-сон қарорига
2а-илова

“Ўриклисой” туризм мажмуаси чегараларининг ТАВСИФИ

Чегара чизигининг бошлангич нуқтаси № 1 ($N39^{\circ}39'20,8151''$ $E68^{\circ}30'16,8543''$) 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Галлаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг бир қисмида жойлашган.

1 нуқтасидан чегара чизиги жанубий-ғарбий йўналишда 72 метр масофада 2 нуқтасига қадар чўзилган.

2 нуқтадан ($N39^{\circ}39'19,4473''$ $E68^{\circ}30'14,4596''$) чегара чизиги ғарбий-шимолий-ғарбий йўналишда, 4Р-40 “Даштобод ш.-Зомин ш.-Галлаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг бир қисмида жойлашган.

2 нуқтасидан чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 165 метр масофада, тоғларнинг йонбағирлигида 3 нуқтасига тўғри келади.

3 нуқтадан ($N39^{\circ}39'17,9381''$ $E68^{\circ}30'21,8368''$) чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 400 метр масофада, тоғларнинг ёнбағирлигида 4 нуқтасига тўғри келади.

4 нуқтадан ($N39^{\circ}39'08,0951''$ $E68^{\circ}30'21,3926''$) чегара чизиги шимолий-ғарбий йўналишда 395 метр масофада, тоғларнинг ёнбағирлигида 5 нуқтасига тўғри келади.

5 нуқтадан ($N39^{\circ}38'58,9209''$ $E68^{\circ}30'37,8464''$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда тоғнинг жарликлари бўйлаб 52 метр масофада 6 нуқтасига тўғри келади.

6 нуқтадан ($N39^{\circ}38'58,0213''$ $E68^{\circ}30'36,1855''$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда тоғнинг жарликлари бўйлаб 492 метр масофада текисликда ва тоғ худудларида 7 нуқтасига тўғри келади.

7 нуқтадан ($N39^{\circ}39'09,2921''$ $E68^{\circ}30'29,8898''$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 340 метр масофада “Даштобод ш.-Зомин ш.-Галлаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг 8 нуқтасига тўғри келади.

8 нуқтадан ($N39^{\circ}39'16,5925''$ $E68^{\circ}30'15,0197''$) чегара чизиги жанубий-шарқий йўналишда 90 метр масофада “Даштобод ш.-Зомин ш.-Галлаорол ш.-Бахмал қ.” йўлининг 2 нуқтасига тўғри келади.

Тавсифга киритилган ҳудуднинг умумий майдони 7,20 гектарни ташкил қиласи.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “28” апрелдаги 254-сон қарорига
3-илова

“Зомин” туристик-рекреацион зонасини ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Зомин” туристик-рекреацион зонаси фаолиятини ҳамда халқаро умуммавсумий тоғ-чанғи курортини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6201-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган “Зомин” туристик-рекреацион зонасини ривожлантириш концепцияси Жиззах вилоятининг туристик салоҳиятини ривожлантириш, унинг вилоят иқтисодиётидаги ўрни ва ҳиссасини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини транспорт-коммунал инфратузилмаси обьектлари билан комплекс кенгайтириш, янги туристик маршрутларни шакллантириш, аҳолининг дам олиши учун шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек, туризм хизматлари кўрсатиш соҳасида янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини оширишга йўналтирилган.

Жиззах вилояти юқори туризм салоҳиятига эга бўлиб, бу энг аввало вилоятнинг туризм турларини ривожлантиришга имкон берувчи ноёб табиати билан боғлик. Хусусан, ҳудудда тоғ ва экстремал туризм турлари, жумладан, алпинизм, сноубординг, аэронавтика, велоспорт, мотоспорт, шунингдек, экологик ва агро туризмни ривожлантириш учун етарлича имкониятлар мавжуд. Бундан ташқари, вилоят зиёрат ва гастрономик туризм йўналишларида ҳам юқори салоҳиятга эга.

Айни пайтда Зомин, Бахмал, Фориш ва Фаллаорол туманлари ҳудудида **45** та замонавий меҳмонхона ҳамда **150** та меҳмон уйларини ташкил этилиши, сайёҳларнинг ҳудудда узокроқ муддат қолишини таъминлаш мақсадида миллий урф-одат ва анъаналар, тўй-маросимлар, кўнгилочар тадбирлар намойиш этиш, табиатга, шунингдек, маданий-тарихий масканларга саёҳатлар уюштириш режалаштирилган.

2021–2023 йилларда Зомин туманида жами **25** та меҳмонхона, **73** та дам олиш масканлари ва сиҳатгоҳлар қурилиши ва уларда ташкил этиладиган ўринлар сони **1 460** тани ташкил этиши белгиланган.

Бугунги кунга келиб вилоятда маҳаллий ва хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи **307** та ташкилот мавжуд. 2019 йилда туризм хизматлари экспорт ҳажми **1 067 220** АҚШ долларини ҳамда 2020 йилда **117 780** (прогноз) АҚШ долларини ташкил этди.

Шунга қарамасдан, ҳудуднинг улкан туризм салоҳияти ва бой табиий ресурсларини инобатга олганда, жойлаштириш воситалари, санаторийлар ва дам олиш масканлари, туризм инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганлиги, туристларга қўрсатиладиган хизматлар сифатининг пастлиги ва сонининг чегараланганилиги сабабли юқоридаги қўрсаткичлар қониқарсиз ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Зомин” туристик-рекреацион зонаси фаолиятини ҳамда халқаро умуммавсумий тоғ-chanfi курортини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6201-сон Фармонига мувофиқ белгиланган асосий қоидаларидан келиб чиққиб, “Зомин” туристик-рекреацион зонаси (кейинги ўринларда – Туристик зона) яратиш ва ривожлантириш, шунингдек, қўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда Жиззах вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш мақсадида қўйидаги чораларни кўриш назарда тутилмоқда.

2-боб. Туристик зона ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий механизмлари

I. Туристларга хизмат қўрсатиш учун зарур шарт-шароитларга эга замонавий туризм инфратузилмаси объектлари, шунингдек махсус, функционал ва мавсумий дам олиш мажмуасини яратиш

1. Туристик зона ҳудудида замонавий меҳмонхоналар, жумладан апарт-мехмонхоналар, апарт-уйлар, бутик-мехмонхоналар, шунингдек, хизмат қўрсатувчи персонал учун мўлжалланган хизмат уйлари ва бошқаларни ўз ичига олган жойлаштириш воситалари мажмуасини яратиш.
2. Тоғ ва спорт туризмини ривожлантириш, тиббий, шунингдек, экстремал (парапланлар ва дельтапланлар) туризм билан боғлиқ хизматлар қўрсатиш учун етарли туризм инфратузилма объектларини яратиш, замонавий дор йўлларини қуриш.
3. Тоғ-chanfi курорт маркази, тоғ-chanfi трассалари ва кўтаргичлари, сноуборд треклари, тоғ-chanfi дам олиш ва маданий-кўнгилочар марказлар (кинотеатрлар, караоке-барлар, боулинг, кўнгилочар марказлар ва бошқалар) фаолиятини ташкил этиш.
4. Туристик зона ҳудудида замонавий савдо ва хизмат қўрсатиш объектларини ташкил қилиш.

5. Сайёхлар кўп бўладиган жойларда Wi-Fi зоналарини кенгайтириш ва барқарор фаолият қўрсатувчи стационар ва уяли алоқа фаолиятини таъминлаш, туристик инфратузилма объектларида, шу жумладан, темир йўл станциялари, меҳмонхоналар, мотель, кемпинглар ва дам олиш, шунингдек, умумий овқатланиш ва бошқа жойларда пластик карталаридан

фойдаланиш орқали тўловларни қабул қилувчи банкоматлар, инфокиосклар ва тўлов терминаллар сонини ошириш.

6. Туристик зона худудида тадбиркорлик ва ишбилармонлик тадбирларини (MICE туризм) ўтказишга мўлжалланган конгресс–холл, рекреация ва дам олиш масканлари, инвесторларни жалб қилишга қаратилган “Investor show room”, шунингдек туристларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган “Visitor center”ни ташкил қилиш.

7. Спорт-соғломлаштириш ҳамда бошқа туризм обьектлари, замонавий муҳандислик инфратузилмалари, шунингдек ижтимоий соҳа обьектларини қуриш.

II. Транспорт воситаларининг эркин ҳаракатини таъминлаш, худудда янги турдаги транспорт ҳаракатини жорий этиш, тегишли транспорт инфратузилмасини ривожлантириш

8. Туристик зона ва унга олиб борувчи Республика ва маҳаллий даражадаги йўлларини қуриш ва таъмирлаш.

9. Туристларга қулай шароит яратиш мақсадида Тошкент ш. – Даштобод – Тошкент ш. ҳамда Самарқанд ш. – Даштобод – Самарқанд ш. йўналиши бўйича темир йўл орқали йўловчи ташиш тизимини йўлга қўйиш.

10. Хусусий транспорт воситаси билан ташриф буюрувчи туристлар учун Туристик зона худудида автомобилни қолдириш ва жамоат транспорти тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида худудга киришда, шунингдек ташкил этиладиган дор йўлининг бошланиш нуқтасида кўп қаватли маҳсус автотураргоҳларни ташкил этиш.

11. Барча йўналишларни қамраб оловчи жамоат транспортининг ички тармоғини ривожлантириш ва Туристик зона худудига олиб борувчи турли хилдаги транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатини ташкил этиш.

12. Жамоат транспорти учун алоҳида йўлакларни ташкил этиш, барча ижтимоий гурухлар талабларига жавоб берадиган замонавий транспорт инфратузилмасини шакллантириш.

13. Пиёда сайрларни амалга ошириш учун шароитлар, Туристик зона бўйлаб алоҳида тротуарлар, шунингдек, жамоат ва туризм инфратузилмаси обьектлари учун велосипед йўлаклари ва велотураргоҳлари яратиш, велосипед ижараси тармоғини яратиш.

14. Табақалаштирилган тарифлар бўйича (шахсий транспорт воситалари учун юқори ставкалар, жамоат транспорти ва электромобил воситалари учун бепул) пуллик автотураргоҳларни яратиш.

15. Электромобиллар, электробуслар ва транспорт воситаларининг гибрид турларидан фойдаланган ҳолда алоҳида транспорт тармоғини шакллантириш, бундай транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш учун тегишли инфратузилма объектларини ташкил этиш.

III. Туризм хизматларини ташкил этишда туристларнинг ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш

16. Кўрсатиладиган туризм хизматлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли стандартлар ишлаб чиқиш.

17. Туристларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш.

18. Якка ва уюшган туристларнинг оммавий жамланадиган ва мураккаб табиий тўсиқларга эга жойларда профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, оғир ахволда қолган шахсларга зарур ёрдам кўрсатишга ва туристларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган туристик назорат ва кутқарув хизматлари тизимини яратиш.

19. Туристлар учун фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш тартиби, шунингдек, кутқарув хизматлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, шошилинч тиббий ёрдам ва “тезкор алоқа линияси” телефон рақамлари ҳақида батафсил маълумот берувчи ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, Туристик зона Call-center хизматини ишга тушириш.

20. Туристларни потенциал хавф-хатарлар ҳақида тўлиқ ва аниқ ахборот билан таъминлаш мақсадида огохлантиришнинг самарали тизимини яратиш, жумладан туризм инфратузилма объектларида доимий видеокузатув тизимини жорий этиш.

21. Туристик зона ҳудудида Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаси фаолиятини йўлга қўйиш.

IV. Янги замонавий энергия тежовчи тизим ва технологияларни жорий этиш орқали ноёб экологик тизимни сақлаб қолиши

22. Тунги вақтларда ёритиш тизимларини такомиллаштириш, кўчаларни ёритишининг автоматлаштирилган бошқариш тизимидан фойдаланиш, шунингдек, бошқа замонавий усул ва технологияларни кенг жорий этиш чораларини кўриш.

23. Кўчалар ва пиёда йўллари орасида яшил майдонларни яратиш, пиёдалар йўллари бўйлаб манзарали дараҳтлар ва гуллар экиш.

24. Майший чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини минималлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш орқали иккиламчи моддий

ресурсларини ва қаттиқ майший чиқиндиларни алоҳида йифиш ва қайта ишлаш тизимини яратиш.

25. Кун давомида электр энергияси истеъмолини уч марта камайтирувчи, жумладан, бино ва иншоотларда энергия тежайдиган лампалардан, тунги вақтда бино ва иншоотларнинг ҳароратини сақлайдиган ҳамда бино ва иншоотларни иситиш учун иссиқлик йифиш ускуналаридан (иссиқлик йифувчи), электр энергиясида ўзиюрар ускуналардан фойдаланиш.

26. Қуёш ва шамол энергияси технологияларини, хусусан, қуёш батареялари технологиясини жорий этиш орқали муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фаол фойдаланиш.

V. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, худуднинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш

27. Реал вақт режимида туризм хизматлари кўрсатиш имкониятини берувчи Туристик зонанинг расмий веб-сайтини яратиш.

28. Туристик зона ҳақидаги маълумотларни “Википедия” веб сайтида мунтазам жойлаштириб бориш, туристик порталлар (uzbekistan.travel ва бошқа соҳавий сайтлар) ҳамда оммабоп ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини яратиш.

29. Туристик зонанинг тўлиқ географик жойлашувини унинг туризм обьектлари ҳақидаги маълумотлари билан бирга “Google Maps”га жойлаштириш.

30. QR-кодлар тизимини туризм йўналишлари бўйлаб жойлаштириш, жойлаштириш воситалари, жамоат транспорти ҳамда маданий-кўнгилочар ва спорт тадбирлари чипталарини онлайн банд қилиш ва сотиб олиш тизимларини жорий этиш.

31. Туристик зонанинг туризм салоҳияти ва мавжуд туризм хизматларини халқаро ва Республика миқёсда фаол тарғибот қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

32. Туристик зонада маҳаллий ва халқаро миқёсдаги маданий-кўнгилочар, спорт тадбирлари, йирик форум, конференция ва бошқа МСЕ тадбирларни ўтказиш имкониятларини тарғиб қилиш ҳамда мунтазам ташкил этилишини таъминлаш мақсадида алоҳида тарғибот механизмини жорий этиш.

33. Худуднинг туризм имкониятларидан ва кўрсатиладиган хизматлардан келиб чиқиб, Туристик зонани тегишли туристлар гурӯхлари ўртасида тарғиб қилиш бўйича маркетинг стратегияси (таргетлаштирилган маркетинг) олиб бориш.

VI. Туризм соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш

34. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида хизмат кўрсатувчи юқори малакали кадрларни мунтазам тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларнинг малакасини мустақил баҳолаб бориш тизимини яратиш.

35. Туристик зона ҳудудида фаолият кўрсатувчи персоналнинг “Ипак йўли” туризм халқаро университети, тегишли хорижий ўкув масканлари ва таълим муассасаларида амалиёт ўташини ташкил этиш.

36. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида самарали кўникма ва билимларга эга бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида тегишли йўналишлар бўйича ўкув дастурларини такомиллаштириш.

37. Туризм соҳаси субъектлари ходимларига мажбурий малака талабларини белгиловчи стандартларни ишлаб чиқиши (гидлар, йўриқчи-йўл бошловчи, умумий овқатланиш хизматлари, транспорт ва бошқалар.).

38. Зомин туризм ва сервис коллежи фаолиятини ривожлантириш, таълим йўналишлари ва ўкув дастурларини Туристик зона ва ҳудудда кўрсатиладиган туризм хизматларига мувофиқлаштириш.

3-боб. Кутилаётган натижалар

39. Туристик зонани ривожлантириш концепциясини амалга ошириш натижасида куйидагиларга эришилиши кутилмоқда:

Жиззах вилоятининг бой туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишга эришиш, янги туризм маҳсулотларини яратиш ва фаол тарғиб қилиш.

Ҳудудда туризм соҳасини ривожлантириш учун таянч нуқтаси бўлиб хизмат қила оладиган халқаро даражадаги рақобатбардош туризм, тоғ-chanfi ва дор йўли мажмуаларини яратиш, туризм соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши, шу асосда туризм хизматлари кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш.

Ҳар бири 5 йиллик даврдан иборат **4** та босқични ўз ичига олган Концепцияни амалга ошириш натижасида куйидаги натижаларга эришилади:

Биринчи босқичда, жами **690** ўринли **4** та жойлаштириш воситаси ташкил этилади. Бундан ташқари, санаторий, тоғ-chanfi ҳудуди ва шаҳарча марказини ўзаро боғловчи **2 640** метр узунликдаги дор йўли барпо этилади. Шунингдек, шаҳарчада **181 650 м²** турар-жой, **73 050 м²** савдо

худуди якунланади. Бу босқичда шаҳарча марказида **7 000 м²** бўлган маданият маркази ва **2 000 м²** масжид барпо этилади.

Иккинчи босқичда, соғломлаштириш мажмуасининг тўлиқ қисми ва спорт тадбирлари ўтказиладиган мажмуанинг биринчи босқичи амалга оширилади.

Учинчи босқичда, **1 200** ўринли жойлаштириш воситаси ва спорт тадбирлари ўтказиладиган мажмуанинг иккинчи босқичи амалга оширилади.

Тўртинчи босқичда, **500** ўринли жойлаштириш воситаси, **83 100 м²** спорт обьектлари, **3 650 м²** чанғи учиш майдони, **39 120 м²** бўлган ва **1 304** кишига мўлжалланган туаржой обьектлари ҳамда **9 780 м²** савдо худуди барпо этилади.

Шунингдек, жами **30,1** гектар майдонни эгаллаган ва **8** та шифохонани ўз ичига олган тиббий туризм кичик зонаси ташкил этилади.

Туристик зонага биринчи босқичнинг сўнггида йиллик **34 732** нафар турист ташриф буюриши ҳамда 2040 йилда йиллик туристлар сони **95 601** кишига етиши кутилмоқда. Ушбу кўрсаткични кейинги 20 йил ичидаги жами **1 268 781** нафарга етказиш кўзда тутилмоқда.

Туристик зона ва унга олиб борувчи **250** км йўлларни таъмирлаш ва қуриш орқали йилига **1 300 000** йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган транспорт инфратузилмаси яратилади.

Жиззах вилоятига ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий туристлар сонининг йиллик ўсиши туфайли кўрсатиладиган туризм хизматлари ҳажмининг ўсиши ва 2025 йилгача мамлакатда жами туризм хизматлари экспортини **1 750** миллион АҚШ долларига етказишга ёрдам беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “28” апрелдаги 254-сон қарорига
4-илова

**“Зомин” туристик-рекреацион зонасини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш
хамда худудда туризм соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари
ДАСТУРИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш шакли | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбайи | Бажариш учун масъуллар |
|--|--|-------------------------|-------------------|---|--|
| Туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитларга эга замонавий туризм инфратузилмаси объектлари, шунингдек маҳсус, функционал ва мавсумий дам олиш мажмуасини яратиш | | | | | |
| 1. | “Зомин” туристик-рекреацион зонаси (кейинги ўринларда – Туристик зона) худудида ташкил этиладиган туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини куриш учун маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиши. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туристик-рекреацион зоналарни бошқариш дирекцияси (кейинги ўринларда – Дирекция), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) |
| 2. | Туристик зона худудида тоғ ва спорт туризмини ривожлантириш, тиббий, шунингдек, экстремал (парапланлар ва дельтапланлар) туризм билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш учун етарли туризм инфратузилма объектларини яратиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2023 йиллар | Ташаббускорлар маблағлари, банк кредити | Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Дирекция, Кўрилиш вазирлиги (Зокиров) |
| 3. | Туристик зона худудида замонавий савдо, хизмат кўрсатиш объектлари, дам олиш ва маданий-кўнгилочар марказлар (кинотеатрлар, караокебарлар, боулинг, кўнгилочар марказлар ва бошқалар) фаолиятини ташкил қилиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2023 йиллар | Ташаббускорлар маблағлари | Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Дирекция, Маданият вазирлиги (Назарбеков), Кўрилиш вазирлиги (Зокиров) |

| | | | | | |
|----|--|-------------------------|-------------------|--|---|
| 4. | Туристик зона худудида туристлар кўп ташриф буюрувчи жойларда Wi-Fi зоналарини кенгайтириш ва барқарор фаолият кўрсатувчи уяли алоқа ҳамда интернет фаолиятини таъминлаш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил давомида | Ижрочилар ва ташаббускорлар маблағлари | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков), Дирекция, Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 5. | Туристик зона худудида тадбиркорлик ва ишбилармонлик тадбирларини (MICE tourism) ўtkазишга мўлжалланган конгресс-холл, рекреация ва дам олиш масканлари, инвесторларни жалб қилишга қаратилган “Investor show room”, шунингдек, туристларга хизмат кўrsatiшга мўлжалланган марказ (“Visitor center”) ташкил қилиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2023 йиллар | Ижрочилар ва ташаббускорлар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Дирекция, Кўрилиш вазирлиги (Зокиров), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 6. | Спорт-соғломлаштириш ҳамда бошқа туризм обьектлари, замонавий мухандислик инфратузилмалари, шунингдек, ижтимоий соҳа обьектларини куриш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2023 йиллар | Ташаббускорлар маблағлари | Дирекция, Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Кўрилиш вазирлиги (Зокиров), Иқтисодиёт ва камбағалликни кисқартириш вазирлиги (Холхўжаев), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |

Транспорт воситаларининг эркин харакатини таъминлаш, худудда янги турдаги транспорт харакатини жорий этиш, тегишли транспорт инфратузилмасини ривожлантириш

| | | | | | |
|----|---|---|-------------------|---|--|
| 7. | Туристик зона ва унга олиб борувчи Республика ва маҳаллий даражадаги йўлларни куриш ва таъмирлаш. | Лойиха хужжатларини ишлаб чиқиши, Курилиш-монтаж ишлари | 2021 йил май-июль | Халқаро молия институтлари ва маҳаллий бюджетнинг кўшимча манбалари | Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Дирекция, Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |
|----|---|---|-------------------|---|--|

| | | | | | |
|-----|--|--------------------------------------|-------------------|--|---|
| 8. | Туристларга кулай шароит яратиш мақсадида Тошкент ш. – Даштобод – Тошкент ҳамда Самарқанд ш. – Даштобод – Самарқанд ш. йўналиши бўйича темир йўл орқали йўловчи тасиши тизимини йўлга кўйиш. | Таклиф ишлаб чиқиши ва амалга ошириш | 2021 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Транспорт вазирлиги (Махкамов), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Хасилов), Дирекция, Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 9. | Туристик зона худудига киришда, шунингдек, ташкил этиладиган дор йўлининг бошланиши нуткасида кўп қаватли маҳсус автотураргоҳларни ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Ташаббускорлар маблағлари | Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Курилиш вазирлиги (Зокиров), Транспорт вазирлиги (Махкамов), Дирекция, Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |
| 10. | Жамоат транспортининг ички тармоғини ривожлантириш ва Туристик зона худудига олиб борувчи мунтазам автотранспорт қатновларини ўрнатилган тартибда ташкил этиш чораларини кўриш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022–2023 йиллар | Ташаббускорлар маблағлари | Транспорт вазирлиги (Махкамов), Дирекция, Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |
| 11. | Жамоат транспорти учун алоҳида йўлакларни ташкил этиш, барча ижтимоий гурухлар талаблариiga жавоб берадиган замонавий транспорт инфратузилмасини шакллантириш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2023 йиллар | Маҳаллий бюджетнинг кўшимча манбалари | Транспорт вазирлиги (Махкамов), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), Дирекция, Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |
| 12. | Туристик зона бўйлаб алоҳида тротуарлар, шунингдек, жамоат ва туризм инфратузилмаси обьектлари учун велосипед йўлаклари ва велотураргоҳлари яратиш, велосипед ижараси тармоғини яратиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2023 йиллар | Маҳаллий бюджетнинг кўшимча манбалари, ташаббускорлар маблағлари | Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Дирекция, Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |

| | | | | | |
|-----|--|-------------------------|------------------|---------------------------|---|
| 13. | Табақалаштирилган тарифлар бўйича (шахсий транспорт воситалари учун юқори ставкалар, жамоат транспорти ва электромобил воситалари учун белупул) пуллик автотуаргоҳларни яратиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2023 йиллар | Ташаббускорлар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Курилиш вазирлиги (Зокиров), Дирекция |
| 14. | Электромобиллар, электробуслар ва транспорт воситаларининг гибрид турларидан фойдаланган ҳолда алоҳида транспорт тармоғини шакллантириш, бундай транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш учун тегишли инфратузилма объектларини ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021-2023 йиллар | Ташаббускорлар маблағлари | Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Транспорт вазирлиги (Маҳкамов), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), Дирекция, Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |

**Туризм хизматларини ташкил этишда туристларнинг ҳаёти ва саломатлиги
хавфсизлигини тъминлаш**

| | | | | | |
|-----|---|------------------------------------|---|----------------------|---|
| 15. | Кўрсатиладиган туризм хизматлари сифати ва хавфсизлигини ҳамда туристларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларига риоя этилишини тъминлаш мақсадида тегишли стандартлар ишлаб чиқиш. | Стандарт ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 2021 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Адлия вазирлиги (Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (Бобоҷонов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хожибоев), Дирекция, Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 16. | Якка ва уюшган туристларнинг оммавий жамланадиган ва мураккаб табиий тўсиқларга эга жойларда профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, оғир аҳволда қолган шахсларга зарур ёрдам кўрсатишга ва туристларнинг хавфсизлигини тъминлашга қаратилган туристик назорат ва қутқарув хизматлари тизимини яратиш. | Механизм ишлаб чиқиш ва жорий этиш | 2021–2023 йиллар давомида (босқичма-босқич) | Ижрочилар маблағлари | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Худайбергенов), Ички ишлар вазирлиги (Бобоҷонов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хожибоев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Дирекция, Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |

| | | | | | |
|-----|--|-------------------------|-------------------|----------------------|---|
| 17. | Туристлар учун фавқулодда ҳолатларда шопшилинч тиббий ёрдам ва “тезкор алоқа линияси” телефон рақамлари ҳақида батафсил маълумот берувчи ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, Туристик зона Call-center хизматини ишга тушириш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков), Дирекция, Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 18. | Туристик зона худудидаги туризм инфратузилма объектларида доимий видеокузатув тизимини жорий этиш ҳамда ташриф буюрадиган туристлар оқимидан келиб чиқиб, ушбу худудда ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмасини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022–2023 йиллар | Ижрочилар маблағлари | Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Дирекция, Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |

**Янги замонавий энергия тежовчи тизим ва технологияларни жорий этиш орқали
ноёб экологик тизимни саклаб қолиш**

| | | | | | |
|-----|--|-------------------------------------|------------------|---|--|
| 19. | Туристик зона худудида тунги вақтларда ёритиши тизимларини такомиллаштириш, щунингдек, бошқа замонавий усул ва технологияларни кенг жорий этиш чораларини кўриш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2023 йиллар | Халқаро молия институтлари ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари | Энергетика вазирлиги (Султанов), Дирекция, Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |
| 20. | Кўчалар ва пиёда йўллари орасида яшил майдонларни ташкил этиш, майиший чиқиндилярнинг ҳосил бўлишини минималлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш орқали қаттиқ майиший чиқиндилярни алоҳида йиғиши ва қайта ишлаш тизимини яратиш. | Механизм ишлаб чиқиши ва жорий этиш | 2021–2022 йиллар | Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари | Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), Дирекция |

| | | | | | |
|-----|---|-------------------------|------------------|---------------------------|--|
| 21. | Кун давомида электр энергияси истеъмолини уч марта камайтируvчи ускуналардан ҳамда қуёш ва шамол энергияси технологияларини жорий этиш орқали муқобил ва қайta тикланадиган энергия манбаларидан фаол фойдаланиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2023 йиллар | Ташаббускорлар маблағлари | Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Дирекция, Энергетика вазирлиги (Султанов), “Энергия тежаш миллӣ компанийси” АЖ (Муратов), “Тоза худуд” ДУК |
|-----|---|-------------------------|------------------|---------------------------|--|

**Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, худуднинг
туризм салоҳиятини тарғиб қилиш**

| | | | | | |
|-----|--|-------------------------------|-------------------|----------------------|--|
| 22. | Реал вақт режимида туризм хизматлари кўrsatiш имкониятини берувчи Туристик зонанинг расмий веб-сайтини яратиш. | Алоҳида веб-сайт ташкил қилиш | 2021 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Дирекция, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |
| 23. | Туристик зона ҳақидаги маълумотларни “Википедия” сайтида муентазам жойлаштириб бориш, туристик порталлар (uzbekistan.travel ва бошқа соҳавий сайтлар) ҳамда оммабоп ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини яратиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Дирекция |
| 24. | Туристик зонанинг тўлиқ географик жойлашувини унинг туризм обьектлари ҳақидаги маълумотлари билан бирга “Google Maps”га жойлаштириш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков), Маданият вазирлиги (Назарбеков), Дирекция, Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 25. | Туристик зонанинг туризм салоҳияти ва мавжуд туризм хизматларини халқаро ва Республика миқёсда фаол тарғибот қилиш стратегиясини ишлаб чиқиши. | Стратегия ишлаб чиқиши | 2021 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Дирекция, Ташқи ишлар вазирлиги (Камилов), Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |

| | | | | | |
|-----|--|------------------------------------|-------------------|----------------------|---|
| 26. | Туристик зонада маҳаллий ва халқаро миқёсдаги маданий-күнгилочар, спорт тадбирлари, йирик форум, конференция ва бошқа тадбирларни ўтказиш имкониятларини тарғиб қилиш ҳамда мунтазам ташкил этилишини таъминлаш мақсадида алоҳида тарғибот механизмини жорий этиш. | Механизм ишлаб чиқиш ва жорий этиш | 2021 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Дирекция, Ташқи ишлар вазирлиги (Камилов), Маданият вазирлиги (Назарбеков), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
|-----|--|------------------------------------|-------------------|----------------------|---|

**Туризм соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш
ва малакасини оширишни ташкил этиш**

| | | | | | |
|-----|---|--|-------------------------------|--|---|
| 27. | Туризм ва хизмат кўрсатиши соҳасида фаолият олиб борувчи юқори малакали кадрларни мунтазам тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларни даражасини мустақил баҳолаб бориш тизимини яратиш. | Таклиф тайёрлаш ва амалга ошириш | 2021 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Дирекция, Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 28. | Туристик зона ҳудудида фаолият кўрсатувчи персоналнинг “Ипак йўли” туризм халқаро университети, тегишли хорижий ўкув масканлари ва таълим муассасаларида амалиёт ўташини ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йилдан доимий | Ижрочилар ва ташаббускорлар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Дирекция |
| 29. | Туризм ва хизмат кўрсатиши соҳасида самарали кўникма ва билимларга эга бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида тегишли ўналишлар бўйича ўкув дастурларини такомиллаштириш. | Ўкув дастури ишлаб чиқиш ва жорий этиш | 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб | Ижрочилар ва ташаббускорлар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Дирекция |

| | | | | | |
|--|---|-------------------------|----------------------|--|---|
| 30. | Туризм соҳаси субъектлари ходимларига мажбурий малака талабларини белгиловчи стандартларни ишлаб чиқиш (гидлар, йўриқчи-йўл бошловчи, умумий овқатланиш хизматлари, транспорт ва бошқалар). | Стандартлар ишлаб чиқиш | 2021 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), “Ўстандарт” агентлиги (Саттаров) |
| 31. | Зомин туризм ва сервис коллежи фаолиятини ривожлантириш, таълим йўналишлари ва ўкув дастурларини Туристик зона ва худудда кўрсатиладиган туризм хизматларига мувофиқлаштириш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Тошкулов), Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| Зомин туманида туризм соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар | | | | | |
| 32. | Зомин тумани “Дуоба” ҚФЙда “Туризм қишлоғи”ни ташкил қилиш чораларини кўриш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил давомида | Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари, ташаббускорлар маблағлари | Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кисқартириш вазирлиги (Холхўжаев), лойиҳа ташаббускорлари |
| 33. | Зомин тумани марказидан “Зомин” миллий боғининг кириш қисмидаги дастлабки постга қадар 4Р-40 автомобил йулнинг 5 км қисмида велосипедда сайр қилиш учун вело йўлаклар барпо этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил июль-август | Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари | Жizzах вилояти ҳокимлиги (Салиев) Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев) Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |
| 34. | “Зомин” миллий боғи худуди ва унинг тоф ён-бағридаги мавжуд экологик ҳолатни инсон саломатлигига ижобий таъсири бўйича илмий хулоса тайёрлаш. | Илмий хулоса тайёрлаш | 2021–2022 йиллар | - | Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Максудов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибоев), Ўзбекистон Фанлар академияси (Юлдашев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев) |

| | | | | | |
|-----|---|-------------------------|---------------------------|---|---|
| 35. | “Дуоба” ҚФЙ худудида хунармандчиллик марказини ташкил қилиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил август | Ижрочилар ва ташаббускорлар маблағлари | Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Савдо-саноат палатаси (Икрамов) |
| 36. | Зомин туманида экстремал туризмнинг “Jailoo tourism” йўналишини ривожлантириш мақсадида хориж тажрибасини ўрганиш (яйлов ва тоғларда, чўл ва даштларда отларда сайд қилиш) ва “Jailoo” (қир адирли масканлар) обьектларини аниқлаш ва туризм маршрутига киритиш чораларини кўриш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил давомида | Ташаббускорлар маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 37. | Зомин тумани Суфга худудида экстремал туризм турларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш (дельтаплан, квадратцикл, парашутда учиш, хаво шарлари) ва спорт туризмининг бошқа турларини ривожлантириши. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2022 йиллар давомида | Ташаббускор маблағлари | Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), тадбиркорлик субъектлари |
| 38. | Зомин тумани “Зомин” миллий боғида қиши мавсумида “Чанғи” йўлакчасини ташкил этиши. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил февраль | Ташаббускор маблағлари | Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), тадбиркорлик субъектлари |
| 39. | Зомин тумани Дуоба қишлоғида оиласвий меҳмон уйларини ташкил этиши. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил давомида | Ташаббускор маблағлари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 40. | Зомин тумани Пшағор қишлоғида агро ва экотуризмни ривожлантириш бўйича таклиф ишлаб чиқиши. | Таклиф ишлаб чиқиши | 2021 йил май | Тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобидан | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |

| | | | | | |
|-----|---|---------------------------------|-------------------|---|---|
| 41. | Зомин тумани Пшағор қишлоғида тоғ туризми ривожлантириш мақсадида туризм маршрутларини ишлаб чиқиши. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил июнь | Ижрочилар маблағлари ҳисобидан | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 42. | Ташриф буюрувчилар вақтини самарали ўтказиш ва маҳаллий аҳолини даромадини ошириш учун турли хизматларни ташкил қилиши. Жумладан, маҳаллий аҳолини тадбиркорликка жалб қилган ҳолда, овқатланиш, кўнгилочар, сувенир маҳсулотларини ишлаб чиқишига жалб қилиш, велопрокат, отда сайр қилиш, балиқ овлаш каби хизматларни ташкил қилиши. | Ташкилий ва тарғибот тадбирлари | Доимий | Тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобидан | Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), тадбиркорлик субъектлари |
| 43. | Туризм обьектларига ташриф буюрувчилар учун ўзбек ва рус тилиларида маршрутлар тўғрисида маълумот (тарқатма материаллар) ишлаб чиқиши. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил июнь | Тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобидан | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), тадбиркорлик субъектлари |
| 44. | Зомин туманининг салоҳиятини оммага туристик намойиш қилиш мақсадида “Зомин блоггерлар нигоҳида” номли икки кунлик семинар тренинг ташкил қилиши. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил май-июнь | Ижрочи маблағлари ҳисобидан | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 45. | Зомин туманида жойлаштиш воситаларини (мехмонхона, ўй меҳмонхонаси ва ўтовлар, умумий овқатланиш, СГШ ва авто тураргоҳ) йўл бўйи инфратузилмалари ва ахоли гавжум жойлардаги санитария ва гигиена шохобчалари ҳолатини яхшилаш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2022 йиллар | Ташаббускор маблағлари | Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), ташаббускорлар |

| | | | | | |
|-----|--|-------------------------|------------------------|---|---|
| 46. | Зомин туманининг асосий автомобил йўлларида ҳар 3 км масофада туристик йўл кўрсаткичларни ўрнатиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил сентябрь | Туризм соҳасини кўллаб-кувватлаш жамғармаси | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |
| 47. | Зомин туманидаги сув омборидан Дугоба қишлоғига кетиш йўлида “Томоша-кузатув” майдонлари ва кемпинг нукталарини, шунингдек, Wi-Fi худудларини ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил июль | Ташаббускорлар маблағлари | Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков) |
| 48. | “Мафтункор табиат” ҳалқаро экофестивалини ўтказиш. Фестиваль доирасида худудни ободонлаштириш ишларини ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2022 йиллар | Туризм соҳасини кўллаб-кувватлаш жамғармаси, вилоят маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 49. | Зомин таомлари гастрономик туризм фестивалини ўтказиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2022 йиллар | Туризм соҳасини кўллаб-кувватлаш жамғармаси, вилоят маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари | Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) |
| 50. | Зомин тумани Дуоба қишлоқ фуқаролар йиғинида “Асал ва шифобахш гиёҳлар фестивали”ни ўтказиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил августъ ойида | Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари | Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |
| 51. | Зомин туманида “Патир сайли” тадбирини ўтказиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | Ҳар йили октябрь ойида | Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари | Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |

| | | | | | |
|-----|--|-------------------------|--------------------------------|---------------------------------------|--|
| 52. | Худудда ёнгин ҳавфсизлигини таъминлаш ва унга қарши курашга доир тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, тегишли материал-техник базани ташкил этиш ва инфратузилмани яратиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021–2022 йиллар | Махаллий бюджетнинг қўшимча манбалари | Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Ички ишлар вазирлиги (Бобоҷонов), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Максудов) |
| 53. | Туристик-рекреацион зона худудида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик тадбирларни амалга ошириш механизmlарини ишлаб чиқиш, жумладан ташкил этилиши кўзда тутилган туристик обьектларни қуриш даврида ўсимлик ва хайвонот дунёсига зарар келтирmasлик, табиий мажмуаларга туристик фаолиятнинг салбий таъсирини камайтириш бўйича вазифаларни белгилаш. | Ташкилий чора-тадбирлар | Курилиш давридан бошлаб доимий | Ижрочи маблағлари ҳисобидан | Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Максудов), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов) |

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “28” апрелдаги 254-сон қарорига
5-илова

**“Зомин” туристик-рекреацион зонаси ва унга қадар бўлган ҳудудда
йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш
ДАСТУРИ**

| Т/р | Амалга оширилиши белгиланган чора- тадбирлар номи | Ўлчов бирлиги | Куввати | Талаб этиладиган маблағ (млн сўм) | Йиллар кесимида | | Молиялаштириш манбаси | Масъул вазирлик ва идоралар |
|-----|---|------------------|---------|--|-----------------|------------------|--------------------------|--------------------------------|
| | | | | | 2021 йил | 2022 йил | | |
| | Жами | | | 2 460 861 | 346 861 | 2 114 000 | | |
| | Махаллий бюджет | | | 61 200 | 61 200 | 0 | | |
| | Халқаро молия институтлари маблағлари | | | 2 182 100 | 152 100 | 2 030 000 | | |
| | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | | | 217 000 | 133 000 | 84 000 | | |
| | Тармоқ корхоналари маблағлари | | | 561 | 561 | 0 | | |

I. “Суффа” платосигача бўлган ҳудуднинг йўл инфратузилмасини қайта қуриш, жорий ва мукаммал таъмираш

| | | | | | | | | |
|----|--|----|-----|-----------|-------|-----------|-------------------------------|--|
| | Курилиш ва реконструкция қилиш ишлари | | | 2 002 500 | 2 500 | 2 000 000 | | |
| 1. | 4Р 40 “Даштобод ш.- Зомин ш.-Бахмал к.- Фаллаорол ш.” 24-182 км қисмини реконструкция қилиш (бетон қопламали йўл куриш) шу жумладан (44-94 км қисмини туташтирувчи янги йўл қуриш). | км | 180 | 2 002 500 | 2 500 | 2 000 000 | Халқаро молия институтлари | Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбагалликни қисқартириш вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси |

| II. Электр энергияси тармоқларини қуриш ва таъмирлаш | | | | | | | | |
|--|--|----------|------------|---------|--------|--------|----------------------------------|--|
| | Ҳаммаси | | | 110 000 | 56 000 | 54 000 | | |
| “Суффа” платосигача бўлган худуд бўйича | | | | | | | | |
| 1. | Зомин марказида 2 та 110 кВлик подстанцияни реконструкция қилиш. | дона | 2 | 30 000 | 15 000 | 15 000 | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ |
| 2. | Зомин-“Суффа” йўлида 0,4-10 кВлик электр тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш. | км | 40 | 5 000 | 3 000 | 2 000 | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ |
| 3. | Зомин-“Суффа” йўлида ТП-10/0,4 кВлар қуриш ва реконструкция қилиш. | дона/кВА | 10/160-400 | 1 800 | 1 000 | 800 | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ |
| “Суффа” платоси худуди бўйича | | | | | | | | |
| 4. | “Суффа” худудидаги 2 та 110 кВлик подстанцияни реконструкция қилиш. | дона | 2 | 45 000 | 22 000 | 23 000 | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ |
| 5. | 35 кВлик кабель тармоқларини қуриш. | км | 5 | 6 500 | 3 500 | 3 000 | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ |
| 6. | Тақсимлаш пунктини ўрнатиш. | дона | 1 | 4 500 | 4 500 | | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ |
| 7. | 10 кВлик кабель тармоқларини қуриш. | км | 35 | 7 000 | 3 000 | 4 000 | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ |
| 8. | Шахар типидаги трансформатор подстанцияси комплектини янгидан ўрнатиш. | дона/кВА | 10/630 | 2 200 | 1 000 | 1 200 | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ |

| | | | | | | | | |
|----|---|------|---|-------|-------|-------|----------------------------------|--|
| 9. | “Жиззах ХЭТК” АЖнинг моддий-техник базасини яхшилаш ва махсус автотехникалар харид қилиш. | дона | 3 | 8 000 | 3 000 | 5 000 | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ |
|----|---|------|---|-------|-------|-------|----------------------------------|--|

III. Ичимлик суви ва оқава тармоқларини қуриш, қайта қуриш ва модернизация қилиш хамда ахолини узлуксиз сифатли ичимлик суви билан таъминлаш

| | Ичимлик ва оқава сув тармоқлари | км объект | | 347 800 | 287 800 | 60 000 | | |
|----|---|-----------|----|---------|---------|--------|--|--|
| | <i>“Суффа” платосигача бўлган худуд бўйича</i> | | | | | | | |
| 1. | “Суффа” платосига ичимлик сув тармоғи қурилиши | км | 14 | 117 600 | 117 600 | | Халқаро молия институтлари маблағлари | Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзсувтазминот” АЖ, Жиззах вилояти ҳокимлиги |
| 2. | 2 дона артезиан қудуги қазиши | дона | 2 | 1 200 | 1 200 | | Маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари | “Ўзсувтазминот” АЖ, Жиззах вилояти ҳокимлиги |
| 3. | Сув насослари ўрнатиш | дона | 6 | 60 000 | 60 000 | | | |
| 4. | “Суффа” платосига қадар бўлган худудда қуввати 2 000 м3 бўлган оқава сув тозалаш ишшотини қуриш | км объект | 1 | 62 000 | 32 000 | 30 000 | Халқаро молия институтлари маблағлари | Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзсувтазминот” АЖ, Жиззах вилояти ҳокимлиги |

| “Суффа” платоси ҳудуди бўйича | | | | | | | | |
|--------------------------------------|---|-----------|---|--------|--------|--------|----------------------------------|---|
| 1. | Сув тозалаш иншоотини куриш. | дона | 2 | 5 000 | 5 000 | | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Жиззах вилояти ҳокимлиги |
| 2. | Сув насосларини ўрнатиш. | дона | 4 | 40 000 | 40 000 | | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Жиззах вилояти ҳокимлиги |
| 3 | “Суффа” платосида куввати 2 000 м3 бўлган оқава сув тозалаш иншоотини куриш | км объект | 1 | 62 000 | 32 000 | 30 000 | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Жиззах вилояти ҳокимлиги |

IV. Ахборот технологияларини ривожлантириш

| | | | | | | | | |
|----|--|----|------|------------|------------|----------|------------------------------|-------------------|
| | Зомин тумани бўйича жами: | | | 561 | 561 | 0 | | |
| 1. | Зомин-“Суффа” йўналиши бўйлаб оптик толали алоқа линияларини тортиш. | км | 18,7 | 561 | 561 | | “Ўзбектелеком” АК маблаглари | “Ўзбектелеком” АК |

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “28” апрелдаги 254сон қарорига
6-илова

**“Зомин” туристик-рекреацион зонаси дирекцияси”
давлат унитар корхонаси
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Зомин” туристик–рекреацион зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Дирекция) шаклида ташкил этилиб, унга бириктирилган чегараларда қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда мулкга эгалик қилиш, ўзининг мақсадларини амалга ошириш мақсадида тақсимлаш ва фойдаланишга бериш (ёки унинг номидан – у ваколат берган давлат органи таъсисчисининг) каби вазифаларни амалга оширувчи тижорат ташкилотидир.

2. Дирекция ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, қарорлари ва фармойишлари, ушбу низом ҳамда бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар доирасида амалга оширилади.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланиб, алоҳида мол-мулқ, мустақил баланс, банкдаги ҳисоб рақамларига, шу жумладан чет эл валютасига, шунингдек, эмблемасига, штампига ва ўз номи давлат тилида ёзилган Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвирланган мухрга ва бошқа реквизитларга эгалик қиласи.

4. Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ – “Zomin” turistik-rekreatsion zonasi direksiyasi” davlat unitar korxonasi;

қисқартилган шаклда – “Zomin” TRZ direksiyasi” DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ – Государственное унитарное предприятие “Дирекция туристско-рекреационной зоны “Зомин”;

қисқартилган шаклда – ГУП “Дирекция ТРЗ “Зомин”;

в) инглиз тилида:

тўлиқ – “Directorate of tourist and recreational zones “Zomin” State Unitary Company;

қисқартилган шаклда – “Directorate of TRZ “Zomin” SUC.

5. Дирекция манзили (почта манзили): Жиззах вилояти, Зомин тумани, Мустақиллик кўчаси, 2-уй.

6. Дирекция тъисисчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда – Тъисисчи) ҳисобланади.

7. Дирекция ўзининг Таъсисчи билан келишган ҳолда тижорат ташкилотлари, шунингдек қонун хужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг иштирокига рухсат этиладиган тижорат ташкилотларининг иштирокчиси (акциядори, аъзоси) бўлиши мумкин.

8. Дирекция бошқа давлат корхонасининг тъисисчиси бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадлари

9. Дирекциянинг асосий мақсади туристик-рекреацион зона (кейинги ўринларда – ТРЗ) фаолиятини бошқариш ҳисобланиб, ТРЗ давлат дастурининг тўлиқ ва ўз вақтда бажарилиши, ТРЗ худудида ҳукукий меъёрларга риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, ТРЗ худудидаги иқтисодий фаолият иштирокчиларига (кейинги ўринларда – ТРЗ иштирокчилари) хизмат кўрсатишга ва ушбу Низомга назарда тутилган бошқа ишларнинг бажарилишини таъминлайди.

10. Дирекциянинг асосий вазифалари қўйидагилар:

ТРЗ худудида инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш истагини билдирган ташаббускор ва инвесторларни излаш ва жалб қилиш;

ТРЗ бош режаси ва “Зомин” туристик–рекреацион зонасининг маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда – Маъмурий кенгаш) қарорларига мувофиқ тасдиқланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш;

ўрнатилган тартибда инвесторлар томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини назорат қилиш ҳамда уларни бажарилиши юзасидан Маъмурий кенгашга ҳисботлар тақдим этиб бориш;

ўз ваколати доирасида ТРЗ худудида жойлашган давлат қўчмас мулк обьектларини бошқариш;

ТРЗ иштирокчиларига ўзларининг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишлари учун зарур инфратузилма (электр энергия, газ, сув

таъминоти, канализация ва бошқалар) билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга кўмаклашиш;

ТРЗ иштирокчиларида шу жумладан давлат органларида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш орқали уларга хизмат кўрсатиш;

ТРЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки обьектлари бўлган иншоотлар ва бинолар ҳамда ер участкаларни ижарага бериш бўйича шартномалар (битимлар) тузиш; Маъмурий кенгаш ваколатига кирадиган масалалар бўйича унинг йиғилишларида кўриб чиқилиши учун зарур маълумотларни тайёрлаш;

Маъмурий кенгаш қарорларида асосан ТРЗ иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш, уларни реестрга киритиш ва тегишли сертификатлар бериш;

ТРЗ иштирокчилари бўлмаган ТРЗ ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритиш;

ўрнатилган тартибда инвесторлар билан тузилган шартномалар хулосасига асосан ТРЗ ҳудудида сармоя киритиш тўғрисида битимлар, ТРЗ иштирокчиси бўлмаган ташкилотлар ва давлат мулкидаги молмulkни сотиш бўйича Маъмурий кенгаш қарорларида кўра битимлар тузиш;

ТРЗ фаолиятини бошқариш бўйича бошқа масалаларни амалга ошириш.

11. Дирекция қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириш мумкин.

3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш

12. Дирекция Таъсисчига ва Маъмурий кенгашга ҳисобдор ҳисобланади.

14. Таъсисчининг ваколатларида қўйидагилар киради:

Дирекция фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва мониторингни олиб бориш;

ТРЗни ривожлантириш бўйича Дирекция фаолияти йўналиш ва стратегик вазифаларини белгилаш ва ТРЗнинг узоқ ва ўрта мuddатли ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиши ташкил этиш;

ТРЗнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун ташкилий-техник чора-тадбирларни тасдиқлаш, шунингдек уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

Дирекция фаолиятини түгрисида ҳисоботларни ҳар чоракда бир маротаба эшиши;

Дирекция директорини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича масалаларни кўриб чиқиши;

Дирекция ишчилари ва директорининг малакасини оширишини ташкил этиши;

Дирекциянинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тасдиқлаш.

Таъсисчи қонун хужжатларида таъқиқланмаган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Таъсисчининг ҳуқуқлари:

Дирекция фаолиятининг мақсад ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Низомига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича қарор қабул қилиш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёки мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётган мол-мулкини олиб қўйиш ва тасарруф этиши;

Дирекция томонидан берилган мол-мулкни ишлатишдан олинган соғ фойдадан улуш олиш;

Дирекциянинг мол-мулки билан тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш түгрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Дирекцияга етказилган зарарни қоплаш тўрисида судга ариза билан мурожаат қилиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиши ёки тугатиш тўгрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

Мехнат қонунчилигида белгиланган тартибда Дирекция директори билан тузилган мехнат шартномасини бекор қилиш.

Таъсисчи қонун хужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

15. Маъмурий кенгашнинг ваколатларига қўйидагилар киради:

Таъсисчига Дирекция директорлигига номзодларни тақдим этиши;

Дирекция директори билан мехнат шартномасини Таъсисчи номидан тузиш ва бекор қилиш;

Дирекция харажатлари сметаси ва штатлар жадвалини келишиш;

Дирекция иш режасини тасдиқлаш орқали унинг фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Маъмурий кенгаш қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Маъмурий кенгаш ўзига юклатилган вазифаларни бажариши учун Дирекция фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни талаб қилиб олиши мумкин. Олинган ҳужжатлар Маъмурий кенгashi томонидан фақатгина хизмат мақсадларида ишлашилади.

17. Дирекция фаолиятига раҳбарлик қилиш Маъмурий кенгаш томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор томонидан амалга оширилади.

18. Директор ижро этувчи орган ҳисобланади.

19. Директор:

қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга асосан Дирекция ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва тартибларга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

ТРЗни ривожлантириш бўйича дастурларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

Дирекция фаолиятининг асосий йўналишларини такомиллаштириш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этишга оид тадбирларни амалга ошириш бўйича чоралар кўради;

Дирекция номидан ишончномасиз ишлайди, барча ташкилотларда, шу жумладан чет эл мамлакатларида унинг манфаатларини ҳимоя қиласди;

меҳнат шарномасига асосан ходимларни ишга қабул қиласди, тегишли ўзгартишлар киритади ва уларнинг фаолиятини бекор қиласди;

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома тақдим этади;

ходимлар малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар беради;

қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

20. Директор ўрнатилган тартибда Дирекция фаолияти бўйича Тъисисчига ҳамда Маъмурий кенгашга ҳисобдордир.

21. Директор ўзининг хукуқ ва мажбуриятларини бажаришда Дирекция манфаатлари доирасида амалга оширади ва ўрнатилган тартибда давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган барча тўловларнинг ўз вактида тўланиши, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг амалга оширилиши, меҳнат хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган барча даъволарни қондириш учун қонун хужжатларига белгиланган тартибда жавобгардир.

22. Директор Маъмурий кенгаш ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ТРЗнинг ўз маблағларини бошқаради ва амалга оширилган ҳисботларни Молия вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этади.

23. Директор ўзига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек, Дирекцияга топширилган давлат мулкининг сақланиши ва мақсадли ишлатилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир.

4-боб. Дирекция устав жамғармаси

24. Дирекциянинг устав жамғармаси ТРЗ фаолиятини ташкил этиш учун Таъсисчи томонидан бериладиган маблағлар, Таъсисчи томонидан оператив бошқарув хукуқий асосида бериладиган мол-мулк ва бошқа қонун хужжатларида тақиқланмаган активлар ҳисобидан шакллантирилади.

25. Дирекциянинг устав фонди 1,0 млрд сўм.

5-боб. Дирекция устав жамғармасини ошириш ва камайтириш тартиби

26. Таъсисчининг қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда Дирекция устав жамғармасини ошириш ва камайтириши мумкин.

6-боб. Дирекция мол-мулкини тасарруф этиш

27. Дирекция мулки асосий воситалар ва Таъсисчи томонидан оператив бошқарув хукуқлари асосида унга берилган муомаладаги активлардан иборат.

28. Дирекциянинг асосий воситалари ва муомаладаги активлари бўлинмайди ва ҳисса (улуш) тариқасида тақсимланмайди.

29. Маъмурий кенгаш Таъсисчи номидан Дирекцияга берилган давлат мулкларининг мақсадли фойдаланиши, сақланиши ва тасарруф этилиши устидан назорат қиласи.

30. Директор Таъсисчи билан келишган ҳолда қўйидаги ҳолатларда Дирекция мулкини тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижара ва гаровга бериш;
мол-мулкни бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг устав
фондига бадал сифатида қўшиш;
бошқа хўжалик субъектларининг акцияларини сотиб олиш;
директор таъсисчи билан келишиб, мулкни давлат корхонаси
фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

7-боб. Даромадларни шакллантириш тартиби

31. Дирекция даромадлари қўйидагилардан шакллантиради:
кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар;
ТРЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки обьектлари бўлган
иншоотлар ва бинолар ҳамда ер участкаларни ижарага бериш
ва реализация қилишдан тушадиган маблағлар;
Маъмурий кенгаш томонидан ажаратиладиган маблағлар;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан.

8-боб. Захира ва бошқа жамғармаларни шакллантириш тартиби

32. Дирекция ўз тасарруфида қолган соф фойда ҳисобига захира
жамғармасини, шунингдек Таъсисчи томонидан тасдиқланган шаклда
ва тартибда бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

9-боб. Даромадларни (фойда) тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби

33. Дирекциянинг соф фойдаси Дирекция ихтиёрида қолади ҳамда
Таъсисчининг қарорига асосан фойдаланилади.

34. Таъсисчи ўзининг қарорига асосан жисмоний ва юридик
шахсларга бериладиган ҳайрия маблағлари суммасини белгилайди
ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини директорга топширади.

35. Дирекция фаолияти натижасида вужудга келган зарарни
жамғарманинг захира маблағлари ҳисобидан қоплаши мумкин.

10-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

36. Ҳисобот даври сўнгида Дирекция ваколатли органларга қонун
ҳужжатларида белгиланган тартибда молиявий ва бошқа ҳисоботларни
тақдим этади, шунингдек, ҳужжатларнинг сақланишига ва белгиланган
тартибда сақлаш учун давлат идораларига топширишга жавобгар
ҳисобланади.

37. Хўжалик юритувчи субъект сифатида Дирекция фаолиятини назорат қилиш Маъмурий кенгаш томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

38. Директор ҳар чоракда Маъмурий кенгашга Дирекция фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожланиш дастурларининг амалга оширилиши бўйича хисоботларни тақдим этади.

11-боб. Дирекция жавобгарлиги

39. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради. Мол-мулк етарли даражада бўлмаган тақдирда Таъсисчи Дирекция мажбуриятлари бўйича ёрдамчи жавобгарликни ўз зиммасига олади.

40. Дирекция Таъсисчининг мажбуриятлари учун жавобгар эмас.

12-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш

41. Дирекция қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда, суд ёки Таъсисчининг қарорига мувофиқ тугатиши ва қайта ташкил этилиши мумкин.

42. Дирекция унинг ҳуқуқи ва мажбуриятларини бошқа шахсларга мерос қилиб ўтказмасдан фаолиятини тугатади. Қайта ташкил этилаётганда унинг ҳуқуқ мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтади.

